



## Ислом Нури

Хурматли ота оналар, бу дарснинг мукаддимасида ота билан бола орасидаги хунук муомала сабабларидан бирини ўрганиб чиқамиз, иншааллох.

Савол: Нима учун фарзанд отасини ёмон кўради?

Жавоб: Бунинг сабабчиси ота.

Чунки, фарзанд отасига мухтож бўлиб турганда, ота фарзандига ахамият бермайди, балки ўзидан узоклаштиради. Дунёнинг кўп ишларидан жохил бўлган бола, шу жохиллигини кетказиш учун отасини ишдан келишини кутади. Отаси келганда унга осилиб хожатларининг пайдан бўлади. Отасининг чарчоги билан ёш болани иши йўқ албатта. Шунда, чарчаб келган ота фарзандни ўзидан узоклаштиради. Маънан эзилиб турган болага, онаси хам Отангни тинч кўй, чарчаб келган, корни оч-деб босим ўтказди. Шу билан бола отасини ёмон кўра бошлайди. Бўлиб туриб бу иш кайта кайта такрорланаверса, фарзанд кўчага ўрганиб кўча боласи бўлиб кетади. Фарзанд ўз хожатларини уйда ўтай олмагандан кейин кўчага чикиб кетади-да! Биз болага фақат кулок сол деяверамиз. Бу хато. Биз хам фарзандга кулок тутиб туришимиз лозим. Эй Аллох фарзандларимизни солих кил!

1. Савол: Болажоним,



## Ислом Нури

намозларни ўз вақтида ўқимаса нима бўлади?

Жавоб: Мунофик бўлади.

2.

Савол: Мунофикнинг маъноси нима?

Жавоб: Ииккиюзламачи, Аллохни алдаятган ёмон одам.

3. Савол: Болажоним, бомдод неча ракаат?

Жавоб: Икки ракаат суннат, кейин икки ракаат фарз.

4. Савол: Суннат нима?

Жавоб:

Пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва салламнинг айтган сўзлари ва килган ишлари.

5. Савол: Демак бомдоднинг фарзидан олдин пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам икки ракаат намоз ўқиганмилар?

Жавоб: Ха дадажон, хар доим ўқир эдилар.

6. Савол: Пешин намози неча ракаат?

Жавоб: Аввал тўрт ракаат



## Ислом Нури

суннат, кейин тўрт ракаат фарз, кейин яна икки ракаат суннат.

7. Савол: Аср  
намози неча ракаат?

Жавоб: Аср намози факат тўрт ракаат фарз.

8.  
Савол: Шом намози неча ракаат?

Жавоб: Шом намози, аввал уч ракаат фарз,  
кейин икки ракаат суннат.

9. Савол: Хуфтончи?

Жавоб: Аввал тўрт ракаат  
фарз, кейин икки ракаат суннат, кейин уч ракаат витр.